



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2018 йил 7 МАРТ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 45 (13.642)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ МОЛИЯ ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 март куни икки томонлама идоралараро маслаҳатлашувлар ўтказиш учун мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Федерацияси молия вазири Антон Силуановни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, олий даражадаги мунтазам учрашувлар ва мулоқотлар, эришилган келишувлар ва қабул қилинган амалга оширилаётгани мамлакатларимиз ўртасида стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини, кўп қиррали, шу жумладан, молиявий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Бугунги кунда икки мамлакат молия вазирликлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йил апрель ойида Россия Федерациясига давлат ташрифи чоғида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум доирасида яқин ўзаро ҳамкорлик йўлга

қўйилгани мамнуният билан қайд этилди. Учрашувда молиявий соҳадаги самарали мулоқотни янада ривожлантириш истикболлари кўриб чиқилди.

Молия, солиқ ва божхона органларини модернизация қилиш, бюджетни режалаштириш, маҳаллий бюджетлар мутаносиблигига эришиш, молиявий назорат бўйича самарали механизмларни такомиллаштириш ва бошқа йўналишлар бўйича илғор тажриба, технологиялар ва билимларни жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қўша лойиҳаларни молиялаштириш, Россиянинг етакчи таълим муассасалари негизда соҳа учун юқори малакали мутахассис-

ларни тайёрлаш борасида ҳамкорлик имкониятлари муҳокама қилинди.

Россия молия вазири давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва ҳукумати Раиси Дмитрий Медведевнинг саломи ва эзгу тилаklarини етказди.

Антон Силуанов Россия мамлакатларимиз ўртасида молиявий соҳадаги кенг қўламли ва ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришдан манфаатдорлиги, бу борадаги шерикликни давом эттиришга тайёрлигини билдирди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТОЖИКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоннинг таклифига биноан 2018 йил 9-10 март кунлари давлат ташрифи билан Тожикистонда бўлади.

Олий даражадаги музокараларда икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, транспорт-коммуникация, туризм, маданий-гуманитар соҳалардаги ва ҳудудлараро ҳамкорликни ривожлантириш, фуқароларнинг ўзаро ташрифларини оsonлаштириш масалалари муҳокама қилинади, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилади.

Музокаралар якунлари бўйича Президентларнинг Қўша баёноти, Ўзбекистон – Тожикистон давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисида шартнома, Фуқароларнинг ўзаро қатнови тўғрисидаги битим, шунингдек, турли соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган жами 25 дан ортиқ ҳужжат имзоланиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, ташриф доирасида ўтказиладиган бизнес-форум ва Ўзбекистон миллий sanoat кўргазмасида тижорат шартномалари ва иқтисодийнинг турли тармоқларидаги кооперацияга оид битимлар имзоланиши кўзда тутилган. Икки мамлакат санъат усталари иштирокида концерт ташкил этилиши ҳам мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ТУРИЗМНИ, СУД ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

6 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар қонун устуворлигини таъминлашга ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга қаратилган қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар. Шунингдек, депутатлар туризм индустриясини жадал ривожлантириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Қонун лойиҳаларини қабул қилиш, парламент вакиллариининг фикрига кўра, Ҳаракатлар стратегиясини самарали амалга оширишга хизмат қилади.

Депутатлар ўз ишларини Вазирлар Маҳкамаси томонидан қиритилган "Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари гунини белгилаш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқишдан бошладилар.

Таъкидланганидек, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилиши натижасида уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш, кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланиш, шунингдек, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини ошириш бўйича самарали ва сифатли янги тизим шакллантирилди. Айтилган республикада уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида 157 минг нафардан ортиқ ходим ва хизматчи фаолият кўрсатмоқда. Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, саноат билан бажарилган меҳнатни рағбатлантириш мақсадида қонун лойиҳасида уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ташкил этилган кун – 18 апрелни Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари кунига деб белгилаш таклиф этилмоқда.

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда республика иқтисодиёти ва аҳолисига автотранспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилганлиги қайд этилсин. Йўловчи ташиш йўналишлари тармоғи 2006 йилга нисбатан 1,4 бараварга ортди, республикада 117 та йўловчи автовокзал ва автостанцияси фалият кўрсатмоқда, ташувлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга автотранспорт хизматлари соҳасини жадал ривожлантиришнинг мавжуд имкониятлари ва заҳираларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Автотранспорт хўжаликлариини модернизация қилиш замонавий талаблар даражасида эмас, соҳада илғор ахборот-коммуникация технологиялари ва интеллектуал транспорт тизимлари етарли даражада жорий этилмапти. Оғир юк ташувчи автотранспорт воситаларининг ҳаракатдаги таркиби паркиннинг эскирганлиги юқориликча қолмоқда. Мамлакатнинг автотранспорт хизматлари экспорти ва транзитини ошириш салоҳиятининг имкониятлари ва заҳираларидан тўлақонли фойдаланилмаяпти.

Ташиш жараёнлари, қатнов жадвалларига риоя этилиши, йўловчилар томонидан йўл ҳақини электрон тарзда тўлаш самарадорлиги, тушунинг йўналиши ва тўлалиги устидан марказлаштирилган диспетчерлик бошқаруви ва назорати тизими мавжуд эмас. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги амалга ошираётган ишлар минтақалардаги йўловчи транспортини бошқариш бўйича махсус ваколатли органлар томонидан деярли тақдорланмоқда.

Автомобилда ташишлар ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш юзасидан назорат чораларининг тубдан кучайтирилиши йўловчилар автотранспортда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича профилактик чоралар кўришни талаб этади.

Автомобилда транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, автомобиль транспортида ташишлар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда автотранспорт хизматлари бозорини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг дарё транспорти соҳасидаги давлат бошқаруви бўйича ваколати Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига ўтказилсин.

(Давоми 2-бетда)

АНТОН СИЛУАНОВ: “ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИГИМИЗ БАРЧА ЙЎНАЛИШДА ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА”

Мамлакатимизга ташриф билан келган Россия Федерацияси молия вазири Антон СИЛУАНОВ давлатимиз раҳбари билан учрашувдан сўнг ЎЗА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига давлат ташрифи доирасида мамлакатларимиз раҳбарлари томонидан имзоланган муҳим ҳужжатлар ва эришилган келишувлар бугун кенг қўламли амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон ва Россия молия вазирликлари ўртасида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум иқтисодий соҳадаги ҳамкорлигимизга янги суръат бағишлади. Ушбу ҳужжатга мурофий молия вазирликлари ўртасида солиқ ва божхона тизимларини такомиллаштириш

юзасидан фаол мулоқот ўрнатилди.

Меморандум доирасидаги мазкур ташрифдан мақсад мамлакатларимиз вазирлик ва идоралари ўртасида молия соҳасида ўзаро тажриба алмашиш истикболларини белгилаб олишдан иборат. Шу мақсадда делегациямиз таркибига Россия Федерацияси Молия вазирлигининг ташқарии Федерал солиқ, Федерал божхона хизматлари, молия институтлари, етакчи департаментлар раҳбарлари ташриф буюрди.

Вазирликларимизнинг ўзаро манфаатларига оид ҳамда бошқа

йўналишлар бўйича тузилган ишчи гуруҳларнинг Тошкентда ўтган мажлисида икки томонлама мулоқот доирасидаги барча масалалар кўриб чиқилди. Ўзбекистонлик ҳамкасблар билан солиқ ва божхона соҳасидаги ислохотлар, молия қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Музокара якунида мамлакатларимиз молия вазирликлари ўртасида ўзаро самарали ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган "Йўл харитаси" имзоланди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ
ёзиб олди

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА ИННОВАЦИОН ҲОЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан шу мавзуда маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

"Қишлоқ қурилиш банк"да бўлиб ўтган тадбир Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацион ҳоҳлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти, кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида қўллаб-қувватлаш йўлида фуқароларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этишга қаратилган тарғибот тадбирларини кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Тадбиркорлик фаолияти ва инновацион ҳоҳларни қўллаб-қувватлаш тараққиёт омили сифатида баҳоланар экан, бунда юртимиздаги барча молия институтлари, банкларнинг роли муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, тадбиркорларнинг интеллектуал бунёдкорлиги намуналари бўлган инновацион лойиҳаларини рағбатлантириш ва иқтисодий маданиятни такомиллаштириб боришда жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотларининг таъсири катта.

Тадбирда тадбиркорлик ва инновацион ҳоҳларни қўллаб-қувватлаш йўлида фуқароларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этишга қаратилган тарғибот тадбирларини кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Г.САТТОРОВА,
ЎЗА мухбири

бухоролик аскар йигитларнинг навбатдаги гуруҳи Когон шаҳридаги Бухоро темир йўл вокзалда тантанали кутиб олинди.

• Урганч давлат университетидида "Ишлаб чиқариш жараёнига илмий ишланма ва технологияларни татбиқ қилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, чекка ҳудудларда яшовчиларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича замонавий сув тозалаш технологиялари ва илм-фан ютуқларининг ўрни ва ҳамкорлиги" мавзусида кўргазмалар семинар ўтказилди.

• Гулистон давлат университетидида "Ёшларнинг юксак ҳуқуқий маданиятини шакллантириш – жамиятда қонун устуворлигини таъминлашнинг мустаҳкам асоси" мавзусида учрашув ўтказилди. Сирдарё вилояти адлия бошқармаси, вилоят иқтисодий суди ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ҳуқуқшунос-лар, университет профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди.

• Япония АҚШ билан Шимолий Америкадан 20 дона "Стелс" русумидаги F-35 кўп мақсадли ҳарбий самолётларини сотиб олиш юзасидан битим имзолади.

• Бўлиб ўтган сўнгги савдолар чоғида WT1 русумли нефтьга апрель фьючерсларнинг нархи 0,26 долларга ёки 0,4 фоизга ошиб, бир баррели 61,25 долларга етди. Brent русумли нефтни май ойида етказиш бериш бўйича фьючерслар 0,54 долларга ёки 0,8 фоизга ошиб, бир баррели 64,37 доллардан иборат бўлди.



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Нукус шаҳрида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Беруний, Кўнгрот, Хўжайли, Чимбой, Эллиққалъа туманлари кенгашларига Президент совғаси – "Матиз" хизмат автомашиналари топширилди.

• Мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИАВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

2. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги (кейинги ўринларда "Ўзавтотранс" агентлиги деб аталади) этиб қайта номлансин.

3. Қуйидагилар "Ўзавтотранс" агентлигининг асосий вазифалари ва фаолиятининг йўналишлари этиб белгилансин:

автомобиль транспорти объектлари ва йўловчилар хавфсизлигини таъминловчи истиқболли ахборот-коммуникацион технологияларини ва инновацион ёндашувларни кенг қўллаган ҳолда янги бошқарув тизимларини жорий этиб, автомобиль транспорти соҳасида ягона техника сиёсатини юритиш;

автомобиль ташувларида норматив-ҳуқуқий ва методик базани такомиллаштириш, автомобиль транспорти ташувлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича муаммолар юзасидан халқаро нормалар, илмий-текширув, лойиҳа-конструкторлик, технологик ишларни инobatта олган ҳолда техник тартибга солиш соҳасида норматив ҳужжатларнинг ягона маълумотлар базасини ишлаб чиқиш ва шакллантириш;

иктисодий тармоқлари ва аҳолининг ташишларга бўлган эҳтиёжларини ҳамда автомобиль транспорти хавфсизлигини таъминлаш чораларини инobatта олган ҳолда, қишлоқ аҳоли пунктларини, шаҳарлар, вилоят ва туман марказларини боғловчи янги йўналишларни очиш, автомобиль транспортини ривожлантириш бўйича комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

йўловчиларга кенг қўламли хизматлар кўрсатиш учун шароит яратиш, шу жумладан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўлаб, автовокзаллар ва автостанциялар фаолиятини марказлашган ҳолда бошқариш ва мувофиқлаштириш тизимини жорий этиш;

автовокзаллар ва автостанциялар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарамоғида бўлган умумий фойдаланишдаги йўловчи ташиш йўналишларидаги тўхташ бекатларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашни ташкил этиш;

ташиш жараёнлари, қатнов жадвалларида рияз этилиши, йўлларда ҳаракатланиш тезлиги мониторинги, ҳаракат йўналишини схемасига рияз этилиши ҳамда аҳолига реал вақт тарзидаги маълумотлар хизмати-нинг кенг қўламли рўйхати тақдим этилиши юзасидан марказлашган диспетчерлик бошқаруви ва назорати тизимини жорий этиш;

ташув йўналишларини тендер асосида жойлаштириш, йўловчи ташишлари сифати ва хавфсизлигини ошириш, тендерлар ташкилотчилиги ишини мувофиқлаштириш механизмларини жорий этиш йўли билан автомобиль транспорти хизматлари бозорида бозор муносабатлари ва рақобат муҳитини ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш;

хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан фаол мулоқот қилиш орқали автомобиль транспорти соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан келишган ҳолда, янги мунтазам халқаро автобус йўналишларини очиш ҳамда халқаро автомобиль ташувлари соҳасидаги халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш, бу соҳадаги амалдаги шартномаларни қайта қўриб чиқиш ва янги-ларини тузиш, халқаро юк ташувларини амалга ошириш учун рухсатномалар бланкаларини ўзаро айир-бошлаш;

автомобиль транспортида йўловчи ва юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш, автомобиль транспортида йўловчи ва юкларни ташиш қоидаларига амал қилиш, автомобилда ташувлар хавфсизлигини таъминлаш талабларига, оғирлик ва габарит кўрсаткичларига ҳамда ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режим-ларига рияз этилишини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномала-рида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси ҳуду-дида автомобилда халқаро ташувларни амалга оши-риш шартларига рияз этилишини назорат қилиш (Ўзе-бекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтқа-зиш пунктлари бундан мустасно);

автомобиль транспортида, энг аввало, транспорт хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича кадр-лар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни тизим-ли ташкил этиш;

"Ўзавтотранс" агентлигига юкланган вазифалар ва фаолият йўналишларининг сифатли ҳамда тўлақонли бажарилиши учун шахсий жавобгарлик "Ўзавтотранс" агентлиги бошлиғи зиммасига юклансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тош-кент шаҳридаги шаҳар йўловчи транспортини бошқа-риш бўйича махсус ваколатли органлар "Ўзавтотранс" агентлигининг тегишли ҳудудий бошқармаларига бир-лаштирилсин ва уларга махсус ваколатли органлар ва департаментларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, штат бириккалари ва мол-мулклари 1-иловага мувофиқ рўйхат бўйича берилсин.

Шаҳар йўловчи транспортини бошқариш бўйича мах-сус ваколатли органлар ва департаментларни "Ўзав-тотранс" агентлигининг тегишли ҳудудий бошқармала-рига бирлаштириш бўйича комиссия таркиби 2-ило-вага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Автомобиль ва дарё транспортини ривожланти-ришни норматив-техник таъминлаш Республика мар-кази "Ўзавтотранс-техника" илмий-ишлаб чиқариш мар-кази" ДҚ;

"Автодарётранс-илм" касб малакасини ошириш дав-лат илмий-методик маркази "Автомобиль транспорти кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёр-лаш институти" ДҚ деб қайта номлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Нукус автомобиль йўл-ҳўжали-ги ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини, Анди-жон транспорт ва хизматлар кўрсатиш касб-ҳунар кол-лежини ҳамда Самарқанд автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежини, уларнинг таъминотини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда, "Ўзав-тотранс" агентлиги таркибига ўтказиш тўғрисидаги так-лифига розилик берилсин.

7. Қуйидагилар:

Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг ташкилий тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги мар-казий аппарати тузилмаси унинг ходимлари чекланган умумий сонини 80 киши, шу жумладан, бошқарув хо-димларини 62 киши этиб, 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги ҳуду-дий бошқармаларининг намунавий тузилмаси ва чек-ланган ходимлари сони 5 ва 5 "а"-иловаларга мувофиқ;

Автомобиль транспортини бошқариш тизимига ах-борот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастури амалга ошириш натижаларини ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида дастур параметрларига ўзгар-тиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенга-ши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари "Ўзавтотранс" агентлиги билан биргаликда шаҳар ва туманларда янги ташкил этилаётган автомобиль ташу-вларини мувофиқлаштириш шўъбаларининг шаҳар ва туманларда жойлаштирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги ПҚ-2724-сон қарори билан тасдиқ-ланган 2017-2021 йилларда шаҳарлар ва қишлоқларда автотранспорт хизматларини янада ривожлантириш дастурига қуйидагиларни назарда тутуви ўзгартириш-лар киритилсин:

янги автобус йўналишларини ташкил этиш ҳамда ав-товокзаллар ва автостанциялар қурилиши ва реконст-рукция қилинишининг 2018-2021 йилларда республика иқтисодиёти ва чекка минтақалар аҳолисининг ташиш-ларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда янги-ланган мақсадли кўрсаткичлари 7-8-иловаларга мувофиқ;

2018-2021 йилларда автомобилда халқаро ташиш-ларни амалга ошираётган миллий ташувчиларнинг катта ҳажми юк автотранспорт воситалари паркини янгилашнинг прогноз кўрсаткичлари 9-иловага муво-фиқ.

2017-2021 йилларда шаҳарлар ва қишлоқларда ав-тотранспорт хизматларини янада ривожлантириш дас-турида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши юзасидан масъулият Қора-қалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда "Ўзав-тотранс" агентлиги бошлиғи зиммасига юклансин.

10. Илмий-тадқиқот ишлари, йўловчи автовокзалла-ри ва автостанциялари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли бўлган умумий фой-даланишдаги йўловчи йўналишлари оралқ бекатла-рини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўй-ча дастурлар, автотранспорт воситаларини харид қилиш ва автомобиль транспортини бошқариш тизи-мига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, "Ўзавтотранс" агентлигини сақлашни молиялаш-тириш мақсадлари учун юридик шахс мақомига эга бўлмаган Ўзбекистон автомобиль транспорти агентли-гининг Автомобиль транспортини ривожлантириш жам-ғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ташкил этилсин.

Жамғармани молиялаштириш манбалари этиб қуй-дагилар белгилансин:

шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро ав-томобилда йўловчилар ва юк ташишларни амалга оши-ришга лицензиялар бериш ва уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш учун тўланадиган давлат божи маблағларининг 100 фоизи;

"Ўзавтотранс" агентлигининг ҳудудий бошқармала-ри инспекторлари томонидан автомобиль ташувлари соҳасида тузилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғри-сидаги баённомалар бўйича ундирилаётган жарима-лар суммасининг 84 фоизи;

Жамғармага юкланган вазифаларни амалга ошириш учун жалб этиладиган халқаро молия институтлари, хо-рижий ҳукумат ташкилотлари ва бошқа донорлар кре-дитлари (заёмлари) ва грантлари;

давлат ва хусусий ҳамкорлик доирасидаги хусусий инвестициялар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бош-қа манбалар.

"Ўзавтотранс" агентлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда икки ой му-датда Жамғарма тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

11. 2022 йилнинг 1 январигача бўлган муддатга:

лизинг компаниялари ва халқаро ташувларни амал-га оширувчи миллий ташувчилар Ўзбекистон Респу-бликасида олиб қилинаётган ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилиб харид қилинаётган юк автотранспорти во-ситаларини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва-зирлиги органларида рўйхатдан ўтказишда Ўзбеки-стон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Рес-публика йўл жамғармасига ундирилаётган йиғимлар тўловида;

асосий фаолияти автобусларда йўловчи ташишни амалга ошириш бўлган умумий фойдаланишдаги ша-ҳар йўловчи транспорти ташкилотлари ер солиғи тўло-вларидан озод этилсин.

12. "Ўзавтотранс" агентлиги бошлиғига:

автобусларда йўловчи ташиш (шу жумладан, халқа-ро) хизматини кўрсатуви, юкларни автомобилда та-шишлар ҳамда транспорт-логистика фаолиятини амалга оширувчи, тўхташ бекатларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва бошқа автомобиль транспор-ти соҳасида фаолият юритувчи унитар корхоналар шакли-даги мустақил махсус корхоналарни ташкил этиш;

"Ўзавтотранс" агентлиги тузилмасидаги унитар кор-хоналарни бирлаштириш ва тутатиш ҳуқуқи берилсин;

13. "Ўзавтотранс" агентлигига ва унинг томонидан ташкил этиладиган махсус корхоналарда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Худудларни комплекс ривожлантириш ва коммунал соҳа, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ком-плекси раҳбари билан келишган ҳолда, тендер савдола-ри ўтказмасдан, энг мақбул тақлифларни танлаб олиш йўли билан автобуслар ва микроавтобуслар фаолияти-ни масофадан онлайн тарзида кузатиш ҳамда йўловчи-лар транспортида йўл ҳақини нақд пулсиз тўлаш тизи-мини жорий этиш учун мўлжалланган автотранспорт воситалари, дастурий махсусотлар, ускуналар, меха-

низмлар, материаллар, бутловчи анжомларни ишлаб чиқарувчи заводлар (етказиб берувчилар) ёки улар-нинг расмий дилерлари (дистрибьюторлари) билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат этилсин.

14. "Ўзавтотранс" агентлиги ва унинг томонидан таш-кил этиладиган янги махсус корхоналар асослаш эҳти-ёжи мавжуд бўлганда техник-иқтисодий асослаш асо-сида 2023 йилнинг 1 январигача бўлган муддатга:

барча турдаги солиқлардан ва мақсадли давлат жам-ғармаларига ўтказиладиган мажбурий тўловлардан озод қилинсин, бунда бўшаган маблағлар янгидан ташкил этиладиган махсус ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун мақсадли ишлатилиши;

Ўзбекистон Республикасига белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхатлар бўйича олиб қилиладиган транспорт воситалари, бутловчи анжомлар ва эҳтиёт қисмлар, ускуналар, асбоблар ва приборлар, машина-лар ва механизмлар, компьютер ва диагностика техни-каси учун боғжона тўловларидан озод этилиши белги-лаб қўйилсин (боғжонада расмийлаштирувлар учун йи-ғимлар бундан мустасно);

Белгилаб қўйилсинки, "Ўзавтотранс" агентлиги ва унинг томонидан ташкил этилаётган янги махсус таш-килотлар ўртасида, шунингдек, ташкилотларнинг ўзла-ри ўртасида қайтармаслик шарти билан топширилаёт-ган ва қабул қилинаётган мол-мулк юридик шахслар-нинг қўшимча қиймат ва даромад солиғи бўйича солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди.

15. "Ўзавтотранс" агентлиги ходимлари хизмат ва-зифаларини бажаришда идоравий формали кийим-бош кийиши белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбеки-стон Республикаси вазирликлари, идоралари ва таш-килотларининг формали кийим-бошларини ишлаб чи-қиш, стандартлаш, тасдиқлаш ва тайёрлаш механиз-мини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 27 февралдаги ПҚ-2800-сон қарори 1-илова-сидаги "Идоравий формали кийим-бош" бобида қуйи-даги мазмундаги 6-банд қўшилсин:

"6. Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги".

16. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожланти-риш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳоким-ликлари билан биргаликда икки ой муддатда "Ўзавто-транс" агентлиги ва унинг томонидан ташкил этилади-ган янги мустақил ташкилотларга давлат тасаруфи-даги автовокзаллар, автостанциялар, бинолар ва иш-лаб чиқариш майдонларини бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар кир-итсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортини бошқариш тизимини, такомиллаштириш бўйича, таш-килий чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳукумат қарорини икки ҳафта муддатда қабул қилсин.

18. "Ўзавтотранс" агентлиги, Ўзбекистон Республи-каси Фавқуллода вазиятлар вазирлиги Ўзбекистон Рес-публикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳар-лар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 10 январдаги ПҚ-2724-сон қаро-рининг 1 ва 4-иловалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоб-лансин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзе-бекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўрин-босари – "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ бошқаруви раиси А.Ж.Раматов ва Ўзбекистон автомобиль транс-порти агентлиги бошлиғи Д.Т.Дехқонов зиммасига юк-лансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 6 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИНИ БОШҚАРИШ
ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Сўнгги йилларда республика иқтисодиёти ва аҳолисида автотранспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Йўловчи ташиш йўна-лишлари тармоғи қўламли 1,4 бараварга ор-тиди, республика бўйича 117 та йўловчи ав-товокзал ва автостанцияси фаолият кўрсатмоқда.

Ҳаракатдаги таркибни замонавий, қўлай автобуслар, микроавтобуслар, юк автомо-биллари билан янгилаш, йўналишларни оқилона ташкил этиш ва кенгайтириш, та-шишлар хавфсизлиги чораларини қучайти-риш ҳисобига аҳолининг автомобиль ташиш-ларига эҳтиёжини имкон қадар тўлақонли таъминлаш автомобиль транспортини ривож-лантиришнинг асосий йўналишидир.

Ушбу факторларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширил-ди:

биринчидан, соҳада кичик тадбиркорлик-ни ривожлантириш учун қонунчилик даража-сида қўлай шарт-шароитлар яратилди;

иккинчидан, йўловчилар автовокзалла-ри ва автостанцияларини қуриш ҳамда ре-конструкция қилиш, янги йўловчи йўналиш-ларини очиш, автомобиль транспорти ҳара-катдаги таркибини янгилаш бўйича зарур чоралар қўрилмоқда;

учинчидан, ташувлар йўналишларини тендер орқали жойлаштириш механизмла-рини жорий этиш йўли билан автомобиль транспорти хизматлари бозорида бозор му-носабатлари ва рақобат муҳитини ривож-лантириш учун қўлай шарт-шароитлар яра-тилмоқда;

тўртинчидан, автомобиль ташишлари-ни бошқариш тизимига тадбиркорлар то-монидан тегишли давлат хизматларини олишда рухсат бериш ва лицензия жара-ёнларини максимал даражада соддалашти-риш, талаб этилаётган ҳужжатлар сони, уларни тақдим этиш муддатларини қискар-тиришни назарда тутуви ягона ахборот-ин-теграллашув тизими жорий этилган.

Шу билан бир қаторда, автотранспорт хизматлари соҳасини жадал ривожланти-ришнинг мавжуд имкониятлари ва захира-ларидан тўлиқ ҳажмда фойдаланилмаяпти. Автотранспорт хўжаликлари модернизация қилиш замонавий талаблар даражаси-да эмас, соҳада ахборот-коммуникация тех-нологиялари ва интеллектуал транспорт ти-зимлари етарли даражада жорий этилма-япти, автотранспорт хизматлари экспорти-импорти ва транзит салоҳиятидан фойда-ланиш даражаси пастлигича қолмоқда.

Автомобиль транспортини бошқариш ти-зимини янада такомиллаштириш, ташкилий ва институционал ўзгаришларни самарали амалга ошириш, автотранспорт хизматла-ри бозорини шакллантириш ва ривожлан-тиришга қўмаклашиш ва автомобиль та-шишлари хавфсизлигини таъминлаш мақ-садида қуйидагиларни назарда тутуви Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Автомобиль транспортини бошқариш ти-зимини янада такомиллаштириш чора-тад-бирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилин-ди.

биринчи – Агентликнинг кемачилик Регистри томонидан дарё транспортининг

давлат бошқаруви ва тартибга солиш функ-циялари Ўзбекистон Республикаси Фавқу-лода вазиятлар вазирлигининг кичик ҳаж-ми кемалар бўйича Ўзбекистон Республи-каси Давлат инспекцияси функциялари би-лан ўхшашлиги инobatта олиниб, Агентлик-нинг кемачилик Регистри Ўзбекистон Рес-публикаси Фавқуллода вазиятлар вазирли-ги бошқарувида ўтказилмоқда;

иккинчи – автотранспорт соҳасида вако-латли давлат бошқаруви органларининг ор-тиқча тақорловчи жараёнлари бекор қилин-моқда;

учинчи – 2018-2021 йилларда 437 та янги йўловчи йўналишларини ташкил этиш ҳамда 84 та автовокзал ва автостанцияни қуриш ва реконструкция қилишнинг, иқтисодиёт соҳалари ва аҳолининг республика чекка минтақаларида ташишларга бўлган эҳтиёж-ларини инobatта олган ҳолда янгилашган мақсадли кўрсаткичлари, шунингдек, юклар-ни халқаро автомобилда ташишларини амал-га оширувчи миллий ташувчиларнинг оғир юк ташувчи 3824 та автотранспорт восита-лари паркини янгилашнинг прогноз кўрсат-кичлари тасдиқланмоқда;

тўртинчи – автомобиль ташувлари би-лан боғлиқ масалаларни тезкор ҳал этиш учун шаҳарлар ва туманларда автомобиль ташувларини мувофиқлаштириш шўъбала-ри ташкил этилмоқда;

бешинчи – автомобиль транспортини бошқариш тизимига интеллектуал транс-порт тизими инновация лойиҳаларининг зарур элементларини жорий этишни назарда тутуви, умумий қиймати тахминан 90 мил-

лиард сўмини ташкил этувчи ахборот-комму-никация технологияларини жорий этиш Да-стури тасдиқланмоқда, жумладан:

умумий фойдаланишдаги йўловчилар та-шишларни амалга оширишни онлайн тарз-да автоматлаштирилган мониторинг қилиш тизимини тезкор хизматлар тизимлари би-лан интеграллашган ҳолда яратиш ва жо-рий этиш;

умумий фойдаланишдаги шаҳар йўлов-чилар транспортида ягона автоматлашти-рилган йўл ҳақи тўлови тизимини жорий этиш;

белгиланган вазифалар ва функциялар бажарилишининг тезкорлиги ва сифатини оширишга ҳамда кўрсатилаётган интерак-тив давлат хизматлари рўйхатини кенгай-тиришга имкон яратувчи "Ўзавтотранс" агентлиги фаолиятининг автоматлаштирил-ган ахборот тизимларини яратиш;

олтинчи – ташишлар жараёни, автовок-заллар ва автостанциялар фаолиятининг марказлашган нозимлик назорати ва бош-қаруви тизимини яратиш ва жорий этиш назарда тутилмоқда;

еттинчи – жойлардаги маҳаллий давлат органлари қарамоғида бўлган умумий фой-даланиш йўловчи йўналишларидаги тўхташ бекатларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш назарда тутилмоқда;

саккизинчи – соҳани янада ривожланти-риш бўйича дастурий чора-тадбирларни мо-лиялаштириш мақсадлари учун Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг Автомобиль транспортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилмоқда.

тўққизинчи – Автомобиль транспорти со-ҳасини ёш мутахассислар билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таркиби-даги 3 та таълим муассасаси (Нукус авто-мобиль йўл ҳўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи, Андижон транспорт ва хизматлар кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ҳамда Самарқанд автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи) "Ўзавтотранс" агентли-ги таркибига ўтказилмоқда.

"Ўзавтотранс" агентлиги қошида автомо-билда йўловчилар ёки юклар ташиш, транс-порт-логистика фаолиятини амалга оширув-чи мустақил иқтисослаштирилган, юридик шахс ҳуқуқлари билан унитар корхоналар ташкил этилади.

Автотранспорт воситаларининг оғирлик ва габарит кўрсаткичлари назоратини жо-рий этиш бўйича стационар ва кўчма мас-канларни амалда жорий этиш чора-тадбир-лари режалаштирилмоқда.

Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспор-ти ташкил этиш тизимини тако-миллаштириш, давлат бошқаруви ва тар-тибга солиш функцияларини аниқ белги-лаб олиш, ташкилий ва институционал ўзгартиришлар, хизмат кўрсатиш бозори ҳамда автомобиль ташишлари хавфсизли-гини шакллантириш ва ривожлантириш ма-салаларини ҳал этишда

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни

СЕН БАРИБИР МУҚАДДАССАН, МУҚАДДАС АЁЛ

Баҳорнинг илк кунларида аёлларнинг муқаддас байрами ҳисобланмиш Халқаро хотин-қизлар куни мамлакатимизда ўзгача тароват ва эҳтиром билан нишонланади.

Мўътабар ва мунис онахонларимиз, буви-жонларимиз, опа-сингилларимиз бугун эъзозу эҳтиромда. Қўлларидан анвойи гулдасталар тугган дилбар аёллар ва латофатли қизларнинг юзларида қувонч, бахтиёрлик нафаси уфуриб турибди.

Шаҳримиздаги “Зебу зийнат” тантаналар мажмуасида Олмазор туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил этилган тадбир ўзига хос завқ-шавқ билан нишонланди.

Байрам тадбирига туманда истиқомат қилувчи уч юзга яқин ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ногирон аёллар, кўп болали оналар, шунингдек самарали фаолият олиб борган фахриялар, юз

ёшни қаршилаётган мунис онахонлар ҳамда латофатли опа-сингиллар ташриф буюрди.

Бугун юртимиз хотин-қизларининг кўнглига теран нигоҳ ташласангиз, ўтаётган ҳар бир кундан беҳад мамнунлигини ва ҳар бир кунига шукрона айтиб яшаётганига амин бўласиз, – дейди Олмазор тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Муқаддас Расулова. – Чунки улар давлатимиз ардоғида, азиз ва муқаддас аёллар, юз

фасли ва хотин-қизлар байрами билан чин кўнгилдан табриклайман.

Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов, Ўзбекистонда хизмат ташласангиз, ўтаётган ҳар бир кундан беҳад мамнунлигини ва ҳар бир кунига шукрона айтиб яшаётганига амин бўласиз, – дейди Олмазор тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Муқаддас Расулова. – Чунки улар давлатимиз ардоғида, азиз ва муқаддас аёллар, юз

Кўп йиллардан буён турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган ва ижтимоий кўмакка муҳтож хотин-қизларга туман ҳокимлигининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.



АЁЛГА БАХТ БЕРИНГ

Аёлга бахт беринг, саодат беринг,
Деманг, юрибди-ку қулиб жиммайиб.
Аёл қулиб туриб ўлиши мумкин,
Дунёни олиши мумкин жиммайиб.

Аёлга бахт беринг, саодат беринг,
Гар кўзлари қулиб турса-да,
Бўғзининг остида неча минг ҳасрат,
Ой юзлари қулиб турса-да.

Кўнглини кўтаринг ҳеч бўлмаганда,
Қўлини силашга шарофат топинг.
Йиғлаб турганида ҳеч бўлмаганда,
Ёшини артишга муруват топинг.

Ногоҳ ерга тушса оппоқ, рўмоли
Босиб ўтмаслиққа шафоат топинг,
Чақалоқ ялаган этакларини
Тоza деб айтишга адолат топинг.

Аёлга бахт беринг, саодат беринг,
Деманг, юрибди-ку қулиб, жиммайиб.
Аёл қулиб туриб ўлиши мумкин,
Дунёни олиши мумкин жиммайиб.

Аёлга бахт беринг, саодат беринг.
Иллоҳи нур топинг, ҳидоят топинг.
Иллоҳи бахт берган аёл ёнидан.
Бахтиёр ўтмоққа иноват топинг.

Иллоҳи қалқонсиз, иллоҳи кўрсонсиз,
Ғайбатлар ширтмасин қўлаккасининг,
Иллоҳи ҳушёрсиз, иллоҳи бедорсиз.
Итлар тишламасин юраккасининг.

Аёлга бахт беринг, саодат беринг.
Тоғ қимирлаб, тошлар сўзга кирса-да,
Аёлга бахт беринг, саодат беринг.
Олтишга кирса-да, юзга кирса-да.

Зулфия МЎМИНОВА,
“Дўстлик” ордени соҳиби

Ўзбек Миллий академик драма театрида Тошкент Тиббиёт академияси томонидан ўтказилган тадбир ҳам баҳор нафасини ўзида мужассам этган гўзал туйғуларга, шодликларга ошно бўлган байрамона кайфиятда ўтказилди.

ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОМ ИФОДАСИ

Тошкент Тиббиёт академияси ректори Л.Тўйчиев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак эҳтиром, аёлларнинг жамиятдаги нуфузига юксалтириш борасидаги ишлар кўламининг янада оширилаётганини давлатимиз раҳбарининг жорий йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустақамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони дастурамал бўлаётганини таъкидлади. Байрамга ташриф буюрган фидойи тиббиёт ходимлари, лобар аёллар, гўзал талаба қизларни тиббиёт соҳаси, жамият ва оила олдидидаги бурчларини садоқат билан бажаришга чорлаб, уларга тани-сихатлик, бахт ва омад тилади.

– Юртбошимиз томонидан хотин-

қизларга кўрсатилаётган чексиз эътибор ва ғамхўрлик биз, аёлларга куч, шижоат бағишламодда, – дейди Олий маълумотли ҳамшира факультети декани ўринбосари Нодира Абдурахмонова. – Бундай юксак эҳтиром ва эътиборга биз аёллар оилада Ватанимиз раҳнамолиги ҳисса қўладиган соғлом ва баркамол авлодчи тарбиялаб, шарафли ва заҳматли касбимизга янада масъулият билан ёндашиб, садоқат билан хизмат қилиб, муносиб жавоб қайтарамиз.

Тадбирда Тошкент Тиббиёт академияси ректори томонидан академия ҳузуридаги 1-, 2-, 3-клиника ходимлари, кафедра профессор-ўқитувчиларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбир сўнггида “Ўзлар” спектакли намоиши бўлиб ўтди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Гиёҳвандлик – жамият тараққиётига ғов бўлувчи энг ёмон иллатлардан бири. Унинг исканжасига тушганлар ҳар қандай разолат ҳамда қабилликдан азият қайтмайди. Бугунги кунда миллионлаб одамлар гиёҳвандликдан азият чекмоқда, қурбон бўлмоқда. Қанчадан қанча бегуноҳ гўдаклар ногирон бўлиб туғилмоқда.

ЁШ УМРНИ ЗАВОЛ ҚИЛМАНГ!

Мамлакатимизда гиёҳвандлик балосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятлар содир этилиши, ушбу оғу олди-сотдиси билан шуғулланувчиларни аниқлаш ва фаолиятига чек қўйиш, трансмиллий наркогурӯҳларни фош этиш ҳамда контрабанда каналларини аниқлашга қаратилган бир қатор тадбирлар ва махсус операциялар ўтказилмоқда.

Шунингдек, аҳоли, айниқса, ёшлар онгига гиёҳвандликка қарши иммунитет ҳосил қилиш, улар ўртада тушунтириш ишларини олиб бориш ва тиббий маданиятни ошириш масалалари доимий эътиборда. Таълим муассасаларида соғлом турмуш тарзи тарғиботи бағишланган давра суҳбатлари, учрашув ва семинарлар ташкил этилиб, ёшларга бу офатнинг аянчили оқибатлари мисоллар ёрдамида тушунтирилмоқда.

Худди шундай тадбир Шайхонтохур туманидаги 169-мактабда ҳам бўлиб ўтди. “Биз гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қаршимиз” деб номланган ушбу тадбирда Миллий хавфсизлик хизматининг Тошкент шаҳар бошқармаси, Тошкент шаҳар Наркология диспансери, Халқ таълими бош бошқармаси, туман ички ишлар бошқармаси ва Халқ таълими бўлими ходимлари ҳамда ўқитувчилар ва юқори синф ўқувчилари иштирок этиди.

Тадбирда сўзга чиққанлар гиёҳванд модда-

ларнинг инсон танасига салбий таъсири, асодратлари ҳақида гапириб, гиёҳванд одам энг аввало ўз яқинларидан ажралиб қолиши, ўша оғуни топиш ва истеъмол қилиш учун ҳеч нарсадан тап тортмаслиги, ҳатто, ўғирлик ва бошқа жиноятларни содир этиши мумкинлиги, натижада эса бу иллат одамни жар ёқасига олиб келиши муқаррарлиги алоҳида таъкидланди.

– Жиноятчиликнинг олдини олиш, гиёҳвандликка қарши курашишга қаратилган тадбирлар, давра суҳбатлари мактабимизда вақти-вақти билан ўтказилиб турилади, – дейди 169-мактаб директори Гулноза Эргашева. – Албатта, бундай тадбирларда олиб борилган тарғибот ишлари ўқувчиларнинг жиноят қўчасига қириб қолмаслиги, гиёҳвандлик, одам савдоси каби иллатларга қарши иммунитетини мустақамлашга хизмат қилади. Бугунги тақдим этилган маълумотлар гиёҳвандликнинг нечоғлик катта муаммо эканлигини кўрсатиб турибди. Унинг домига ёшларнинг тушиб қолаётгани эса жуда ачинарли ҳол. Шунинг учун барчамиз, ота-оналар, биз, ўқитувчилар биргаликда ёшларимизни бу иллатлардан асрашимиз зарур.

Тадбир давомида наркотик моддаларнинг зарари, унинг оқибатлари ҳақидаги видеоролик ва ўқувчилар томонидан тайёрланган сахна кўриниши намоиши этилди. Ўтказилаётган бу каби тадбирлар ёшларимизни оғоҳ бўлишга, салбий иллатлар умр заволи эканлигини унутмасликларидан муҳим ўрин эгаллаши шубҳасиз.

Абдуалим САЛИМОВ

ДЕПУТАТЛАР ТУРИЗМНИ, СУД ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАҚАМЛАЙДИГАН ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизга Умумжаҳон почта иттифоқининг Уставидан келиб чиқувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш, халқаро ташкилотларда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш имконини беради. Бундан ташқари, Умумжаҳон почта иттифоқига аъзо мамлакатлар билан ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга, шунингдек, янги технологиялар ва андозаларни қўллаган ҳолда сифатли, самарали ва хавфсиз почта алоқаси хизматларини барқарор ривожлантиришга давом эттиришга хизмат қилади.

Шунингдек, “Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислон ташкилоти Уставини (Бокун, 2015 йил 26 ноябрь) ратификация қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши, қонун чиқарувчиларнинг фикрига кўра, ушбу соҳаларда халқаро ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга, Ўзбекистоннинг маданий-гуманитар соҳадаги ютуқларини кенг тарғиб қилишга, мамлакатимизнинг ислон тамаддунидаги буюқ ролини ёритишга, республикаимизнинг қадимий тарихи ва маданий мероси билан таништиришга хизмат қилади. Шунингдек, Уставнинг қўлга кириши билан Тошкент ислон университети ҳузуридаги ISECO Махсус кафедрасининг тўлақонли фаолияти йўлга қўйилади.

Сўнгра депутатлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 356-моддасига киритилаётган тузатишни муҳокама этишга киришди. Халқ ноибларининг таъкидлашича, киритилаётган қўшимча электрон тижорат инфратузилмасини жорий этишни ҳамда туристик хизматларни онлайн-бронлаштириш ва туристик маҳсулотларни интернет орқали сотиш бўйича хизмат кўрсатувчи туристик фаолият субъектлари сонини қийайтиришни рағбатлантиришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда маромига етказиш доирасида тахририй тузатишлар киритилди. Россия, Беларусь ва Грузия каби хорижий мамлакатлар таърибаси тақдоран ўрганилди. Шунингдек, парламент фракцияларининг таклифлари ва тавсиялари ҳисобга олинди.

Уларнинг фикрига кўра, ушбу қонуннинг қабул қилиниши мазкур соҳада кўрсатилаётган хизматлар сифати ва тезкорлигини оширишга, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш йўли билан оширишга, туристик хизматлар нархини пасайтиришга, рақобатни ривожлантиришга хизмат қилади.

Шундан сўнг депутатлар “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят- процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқишга киришди. Мазкур ҳужжат жиноят суди ишларини юриштириш жиддий тарзда ўзгартиради, суд процессига видеоқонференцалоқа тизимини жорий этиш орқали одил судловдан фойдаланишни кенгайтиради.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси ҳузурида Бош прокуратура, Олий суд вакилларидан, экспертлар ва мутахассислардан иборат таркибда тузилган ишчи гуруҳ томонидан мамлакатимизнинг амалдаги қонун ҳужжатлари ва хориж таърибаси тақдоран ўрганилди. Ўзбекистон Республикасининг яқинда қабул қилинган Фуқаролик процессуал ва Иқтисодий процессуал кодекслари қоидалари ҳисобга олинди.

Халқаро амалиёт шунини кўрсатадики, видеоқонференцалокадан жиноят суди ишларини юриштиришда янада ҳақонийроқ гувоҳлик кўрсатмаларини олиш ҳамда озодаликдан маҳрум этиш жойларида бўлган шахсининг процессда иштирокини таъминлаш мақсадида фойдаланилади. Киритилаётган тузатишлар суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқни амалга ошириш учун янада қўлай шароитлар яратиш имконини беради.

Депутатлар сиёсий партиялар фракцияларининг нукта назарини инобатга олган ҳолда ушбу қонун лойиҳаларини қабул қилди. Мажлисда парламент Қонунчилик палатасининг ваколатлари тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати

ШИФОКОРЛАР ЎҚУВ КУРСИГА БОРА БОШЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг
соғлиқни сақлаш органлари фаолиятини
янада такомиллаштиришга доир
фармон ва қарорлари ижросини
таъминлаш мақсадида тизимдаги
бошқарув органлари раҳбарларининг
малакаси ва касбий тайёргарлигини
янада ошириш учун биринчи марта
чуқурлаштирилган ҳафталик ўқув курси
ташкил этилди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошқалари, туман, шаҳар тиббиёт бirlашмаларининг масъуллари иштирок этимоқда.

Малака ошириш курслари уч босқичда ташкил этилиб, соғлиқни сақлаш тизимининг барча бўғинидаги раҳбар ходимларни қамраб олиши белгиланган. Режага кўра, 700 дан ортиқ раҳбарнинг малакаси оширилади.

Машғулотларда 2017 йилда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг маъмури-моҳияти ҳам баён этиляпти. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами ташкил этиш, оналик ва болалик муҳофазаси, икхтисослаштирилган тиббий ёрдам ва ҳусусий тиббиёт муассасалари ишини ташкил этиш бўйича вазирлик мутасадди ходимларининг маърузалари тингланмоқда.

Коррупциянинг олдини олиш, дори воситалари, тиббий техника ва ижтимоий дориларга эҳтиёжни тўғри аниқлаш, муносабатлар билан ишлаш тартибини янада такомиллаштириш каби йўналишлар бугун соғлиқни сақлаш тизими олдига турган долзарб масалалардан ҳисобланади. Ўқув курслари давомида ушбу мавзулар атрофида таҳлил қилинмоқда.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН – УМУМИЙ УЙИМИЗ

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси учувчилар мажмуасида “Миллатлараро тоғувлик ва диний баррикенглик тараққиёт омили” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда “Тараққиёт стратегияси” маркази, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси, МХХ ходимлари ва Ислон Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропорти авиация хавфсизлигини таъминлаш ва ер устки хизмати ходимлари иштирок этиди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ватанимизда яшаётган турли халклар ўртасида ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик ва ҳамжиҳатликни мустақамлашга, унинг қонуний асосларини яратишга жиддий эътибор қаратилаётгани ва бу тамойиллар мамлакатимиз Конституциясида мустақамлаб қўйилганини таъкидлаб ўтишди.

— Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги ҳар бир вазифа инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашга қаратилган ислохотларни янада жадаллаштириш, одамларнинг орзу-интилишларини юзага чиқаришга яқиндан кўмаклашиш, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб ижобий ўзгаришларга эришишга хизмат қилади, – дейди “Тараққиёт стратегияси” маркази ходими Ш.Сафаров.

Шунингдек, йиғилишда миллатлараро ва динлараро тоғувлик мамлакатимизнинг мустақиллик йилларидаги энг катта ютуқларидан бири, юртимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашнинг асосий омили эканлиги йиғилганларга айтиб ўтилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси марказининг мақсад-вазифалари ҳақида маълумотлар берилди. Шу билан бирга авиаходимлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олди.

(Ўз мухбиримиз)

Табиат – табиат-да. Совуқ кунлар ортда қолиб, юртимизда илиқ шабада эса бошлаганига ҳам, мана, бир неча кун бўлди. Шаҳримиз кўчаларидан ўтаётиб, у ер, бу ерда бодом қийғос гуллаганига кўзингиз тушгандир? Бунинг кўриб, ҳар қандай кўнгли яйраб кетади. Демак пойтахтимиз бўйлаб яшиллик ҳукм сура бошлади. Ахир, баҳор – янгиланиш, қолаверса, табиат уйғониши фасли-да. Баҳорнинг ҳар кунини табиатда бир янгиланишни юзага чиқаради. Ҳар кунини бир дарахтнинг гуллаганини кўрганингиздан кейин сизга ҳаёт бирдан тезлашиб кетгандай туюлади.

Мана, 22 февралдан ҳут ойи бошланди. Ҳаш-паш дегунча Наврўзи олам кириб келади. "Ҳамал кирди" – амал кирди, – дейишган ота-боболаримиз. Ҳуддан дарахт кўчатлари, айрим эртапишар экинлар уруғи қадалади. Ҳамал ойи бошлангандан кейин ҳамма экинни экса бўлади.

Азал-азалдан шаҳримиз халқ кўкаламзорлаштириш ва бог-роғлар яратишга ҳам эътибор қаратган. Мана, қаранг, ҳовлисининг бир қарич ери бўлса, шунга ҳам бир нарса экиб, кўқартмаган киши борми? Йўқ.

Қиш қишлигини қилади, албатта. Атроф-муҳитни дарахтларнинг шох-шабалари, ҳазонлар ифослантирган, қор-ёмғир ёғиб, ҳаволар совуқ бўлган кунлари уларни тозалашга ҳафсала қилмаган бўлишимиз мумкин. Эндиликда дов-дарахтларни буташ, уларга чиройли шакллар бериш керак. Ҳовлиларимиздаги бир парча ерни ҳам гулдай қилиб қўйишимиз, имкони бўлса, бу жойлардан ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда унумли фойдаланишимиз керак. Кўп қаватли уйлар атрофидаги майдонларни ҳам обод тутишимиз зарур. Бундай уйлариимизнинг йўлакларини таъмирлаш ҳам муҳим вазифалар сирасига кирилади. Уйлар атрофидаги кўчаларимизда ҳам қишда анча-мунча ўйим-чуқурлар пайдо бўлган. Уларни ҳам таъмирлаб, раво қилиб қўйишимиз лозим.

"Ободлик кўнглидан бошланади", – деган азгу ғоя ҳаётимизнинг моҳиятини белгилаб турибди. Аввало, ҳар биримиз бу ҳикматнинг мағзини чақишимиз, бошқача айтганда, ободликни бевосита кўнглига олиб киришимиз лозим. Чунки ободлик охири-оқибат фаровонликка етказилади.

Пойтахтимизнинг ҳамма ерида кўчат экиш, бог яратиш ишлари жадал бошлаб кетди. Шу кунларда шаҳримизнинг барча маҳаллалари, корхона ва ташкилотларида бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мақсадимиз – яшаб турган шаҳримизни янада обод қилиш. Зеро, ободликдан ҳамма бирдай баҳраманд бўлади.

Ободонлаштириш ва тозалик ойлиги давом этмоқда



Бир нарсани аниқ қилиб айтишимиз керак: ободонлаштириш фақат шу соҳага мутасадди идораларнинггина иши эмас. Ҳар биримиз, шу шаҳарда яшаймизми, уни обод қилишга масъулмиз. Қадимдан шундай бўлиб келган. Акс ҳолда, халқимиз орасида: "Умрингда битта дарахт эккан-мисан?" – деган аънавий савол пайдо бўлмаган бўлар эди.

Халқимиз азал-азалдан дарахт экиб, савоб олиш ҳақида кўплай ҳик-

яшаб келишган. Мустақиллик йилларида биз бу миллий аъналаримизни изчил давом эттиришга киришдик. Ана шу азалий қадриятларимизга қатъий амал қилиб, ҳар йили баҳорда шаҳримизни янада кўкаламзорлаштириш, имкони бор ерларда кўчат экиб, бог-роғлар барпо этишга киришамиз, атроф-муҳитни ободонлаштирамиз. Ахир, ўзимиз яшаб турган маҳалла, ишлаётган корхона ва ташкилот ҳудудини кўркам бог-роғларга ай-

сумнинг асосий вазифаларидан бири эканини унутмайлик! Пойтахтимизнинг янада гўзал ва обод бўлишига ўз муносиб ҳиссамизни қўшайлик!

Дунёда шундай мамлакатлар борки, дарахт кўчати экиш учун салкам юз чақирим жойдан унумдор тупроқ олиб келишади. Бизнинг жаннатмонанд заминимиз бағрида ўсмайдиган дарахтнинг ўзи йўқ. Бинобарин, олтинга тенг она маконимизни ҳар қанча обод ва кўкаламзор этсак ҳам, камлик қилади. Маҳалла-кўй, кексаю ёш ҳамжихат бўлиб, маҳаллаларимиз, мавзёлари-миз, даҳаларимиз, кўп қаватли уйлари-миз ва ҳовлиларимиз, уларнинг атрофлари, кўчалар, болалар майдон-чаларидаги бўш жойларга мевали дарахтлар экиб, боғлар барпо этайлик!

Қадим-қадимлардан ота-оналар ҳар бир фарзанди учун биттадан дарахт экиш аънасини қадрлаган. Келинлар, биз ҳам шу миллий аъналаримизга содиқ қолиб, ҳар бир фарзандимизга атаб биттадан дарахт кўчати ўтказайлик. Фарзандларимиз улғайиб, биз экиб, парвариш қилган дарахтлар мевасию соя-салқиндан баҳраманд бўлсин. Дарахтлар ҳар қандай шаҳарнинг кўрғига кўрк, чиройига чирой қўшади. Чанглари ютиб, ҳавони тозалайди. Кислородни кўпайтиради. Мўътадил намликни ушлаб туради. Мева ва соя беради.

Албатта, мамлакатимиз деҳқону бог-боллари шаҳримиз аҳлини мева-мева ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан беминнат таъминлаб турибди. Йил давомида пойтахтимизда виллояларимизнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари яр-маркаси ташкил этилиб, шаҳарликлар учун арзон ва сифатли маҳсулотлар савдоси ўлга қўйилмоқда.

Лекин азим шаҳримиз бағрида ҳам яна қанчадан-қанча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун қулай шароит бор. Шу имкониятдан унумли фойдаланиш керак. Мафтунок пойтахтимизни янада обод, кўркам ва фусункор масканга айлантиришга, дастурхонимизнинг бундан да тўкин бўлишига ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшайлик!

Олим МАХМУДОВ

КўЧАТ ЭКИБ, БОГ ЯРАТИНГ, ОБОДЛИКДА ДОНГ ТАРАТИНГ

матлар яратган ва бу доно фикрларга амал қилиб яшаган.

Тошкентимизнинг ери шундайки, унинг хоҳлаган жойига чўп суксанг, кўқаради. Ҳатто, кўча-кўйларимиздаги дарахтлар йил – ўн икки ой ёлғиз қордан олган намлик билан кўқариб ётаверади. Шунинг учун ҳам юртимиз ҳақида гап кетса, "жаннатмонанд" деган ифодани кўллашади. Бу борада жонажон пойтахтимиз – Тошкент шаҳрига етадигани йўқ. Чирчиқ дарёсидан сув оладиган саккизта канал кўлнинг панжалари янглиғ таралиб, шаҳримиз ҳудудига файзу барака кириштиб оқади. Денгиз сатҳидан анча баландда жойлашгани учун пойтахтимизда ер ҳеч қачон шўрланмайди. Тоғли ҳудуд атрофида жойлашгани сабабли ёлғизгарчилик кўп бўлади ва дов-дарахтларнинг гурқариб ўсиши учун ерда етарли даражада намлик сақланади. Экиб қўйилган, лекин ҳеч қим сугормайдиган тераклару қайрағочлару чирнолар ҳам тўққиз қаватли уйдан баланд бўлиб ўсиб ётганини кўрган кўплай хорижий сайёҳлар шаҳримизга ҳавас билан боқишади.

Қадим-қадимдан ота-боболаримиз она заминимизнинг ана шу имкониятларидан унумли фойдаланиб, шаҳримизни бог-роғларга айлантириб

лантириш, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, аввало, имзонинг кўнглимизни шод этади.

Ана шундай мўътабар юртининг қадрига етиш, шу Ватаннинг нонини еган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Она заминга муҳаббат эса уни обод қилиш орқали намоён бўлиши ҳам – айна ҳақиқат.

Кўкламнинг ҳар лаҳзаси – ғанимат. Экадиганинг кўчати ҳозир экмасанг, яна бир йил кутишингга тўғри келади. Шу фараҳбахш кунларда ҳар бир ҳамшаҳримиз кўнглидан: "Қани энди ҳар бир кўча, ҳар бир кўп қаватли уй атрофида мевали ва манзарали дарахтлар ўтказилса, шаҳримиз янада гўзал, обод ва кўкаламзор бўларди", – деган азгу фикр кечаётган бўлиши табиий.

Ҳадемай Наврўзи олам ўз сепини ёйди. Халқимизда: "Йилнинг баракаси – баҳорига боғлиқ", – деган аjoyиб нақл бор. Наврўзга шаҳримизни янада обод қилган ҳолда пешвоз чиқайлик.

Кўклам – она табиатнинг бетакорор мўъжизаси. Бу фаслнинг ўз таровати, ўз гашти, ўз юмушлари бор, албатта. Шу боис бу айёмнинг ҳар бир кунини ғанимат биланлайлик! Мевали ва манзарали дарахтлар кўчатларини экиш, атрофни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш баҳорий мав-

Футбол янгиликлари

БИРИНЧИ ТҲР НАТИЖАЛАРИ

Мухлислар орзиқиб кутган кунлар ҳам етиб келди. Футбол бўйича Суперлига жамоалари мамлакат XXVII миллий чемпионатининг 1-тур беллашувларида ўзаро куч синашишди.

Шуни таъкидлаш жоизки, футболни янада ривожлантириш, профессионал клубларимиз ўртасидаги ўрашувларнинг шиддатли, қизиқарли, сермазмун ўтишини таъминлаш, стадионларга мухлисларни қайтариш мақсадида Ўзбекистон футбол ассоциацияси ташаббуси билан жорий мавсумдан жиддий ислохотлар амалга оширила бошланди. Чунки шу пайтгача олий лига деб аталган лига эндиликда Суперлига номини олди. Ушбу лигада 12 та жамоа ғолиблик учун кураш олиб бориши маълум қилинди. Дарҳақиқат, Суперлигада ўтказилган дастлабки тур шуни кўрсатдики, ҳар бир ўрашув анча қизиқарли, курашларга бой келди. Ўйинчилари, пойтахт шарофиди ҳимоя қилаётган жамоалар иштирокидаги бахсларни кўлаб мухлислар стадионларга бориб кузатишгани қувонарли. Жумладан, дастлабки турнинг "Пахтакор" – "Сўғдиёна" ўйинида ҳам "Пахтакор" стадиони аввалгидек ҳувиллаб қолмади, мухлислар стадионда қизиқарли беллашувнинг гувоҳига айланишди.

Ўйин 2:0 ҳисобида пойтахт жамоасининг ғалабаси билан якунланди. Дарвозага голларни Ш.Аъзамов, И.Гонсалеш киритишди.

Амалдаги чемпион "Локомотив" Зарафшонда "Қизилқум" жамоаси меҳмони бўлди. Теририйўлларнинг тўлиқ устунлигида кечган бахсда мухлислар учта голга гувоҳ бўлишди. "Локомотив" жамоаси 3:0 ҳисобида зафар кўчди. Голларга М.Бикматов, И.Алибев, С.Мирзаев муаллифлик қилишди.

Шаҳримизнинг бошқа бир клуби "Бунёдкор" ўз майдонида Олмаликнинг АГМК жамоаси билан ўйнаб, муроа йўлини танлашга мажбур бўлди. Қизиқарли, шиддатли курашларга бой ўрашув 1:1 ҳисобидаги жанговар дуранг билан якунланди. Ушбу турда пойтахт жамоалари рақибларига қарши бахсларда иккита ғалаба ва битта дуранг натижа қайд этишди.

Қолган беллашувлар куйидегича якунланди: "Нефчи" – "Насаф" – 0:0; "Бухоро" – "Кўкон" – 1:0; "Металлург" – "Навбахор" – 0:0.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

ТААССУРОТЛАР БИР ОЛАМ

Тарих – улугъ мураббий бўлиб, унинг сабоқларидан тўғри хулоса чиқариш хайрли, оқилона йўлдир.

Музейлар – тарихимиз кўзгуси бўлиб, бундай масканларга ташриф буюриш, машаққатли илмий изланишлар орқали тўпланган экспонатлар, материалларни ўрганиш аниқса, ёш авлоднинг Ватанга муҳаббат, ўтмишга, миллий ва умуминсоний қадриятларга чуқур ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Юртимиздаги буюқ тарихимиздан сўзловчи масканлар билан ақлдан танишиш ёш авлоднинг дунёқарашини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Учтепа туманидаги 251-ўрта мактабнинг 5-синфиди таълим олувчи ўқувчиларнинг билимларини бойи-тиш мақсадида дарс мавзусидан келиб чиққан ҳолда пойтахтимиздаги "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида ташриф уюштирилди.

Ўқувчилар "Қатағон қурбонлари хотираси" музейидаги бой тарихий илмий экспонатлар, материаллар билан таништириб ўтилди. Улар Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Чўлпон каби ватанпарвар адиблар, шоирлар, маърифатпарвар олимлар, зиё тарқатган улугъ инсонларнинг ҳаёти ҳамда ижоди, илмий фаолияти ҳақида янада чуқур-

роқ билимга эга бўлдилар. Ўтмишимиздан бохабар бўлган ўқувчилар ҳозирги фаровон, бахтли замонамизни қадрлаб, она Ватанимизга бўлган меҳр-муҳаббатини ошириб, қалбига шукроналик, миллат фидойилари бўлган буюқ боболаримизга муносиб ворис бўлиб яшаш ҳис-туйғуларини сингдирилганлиги катта сабоқдир. "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи ўқувчилар ва ўқитувчилар кўнглида катта таассурот қолдирди.

Шаҳноза ШОҒАНИЕВА,
Учтепа туманидаги
251-мактабнинг тарих
фани ўқитувчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент вилояти прокуратураси қуйидаги канцелярия маҳсулотлари ва қўғоз харид қилиш учун ташкилотлар ўртасида **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Таклифлар эълон чоп қилинган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида қуйидаги телефон орқали қабул қилинади: Тел: 230-35-99.

"Яшнобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Қаршибоев Абдуҳамид Абдукаҳарович номига берилган Яшнобод тумани, Оҳанграбо кўчаси, 35-уй, 44-хонадон учун берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганига сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ЭКОЛОГИК АДАБИЁТЛАР ТАҚДИМОТИ

"ЭКОСАН" экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди Яккасарой тумани "Баркамол авлод" болалар маркази билан ҳамкорликда тумандаги 91-, 100- ва 118-умумий ўрта таълим мактабларида "Экология ва ёшлар" мавзусида давра суҳбатларини ўтказди.

Педагоглар ва ўқувчилар иштирокидаги ўрашувда "Баркамол авлод" болалар маркази раҳбари Дилдора Яхёева ва 100-сонли мактаб директорининг ўринбосари Шариф Содиковларнинг таъкидлашларича, асосий мақсад – ўқувчиларнинг экологик билимларни мустаҳкамлаш ва экологик маданиятни шакллантиришдир. Шунингдек, уларда табиатни фаол ҳимоя қилиш ҳисси орқали атроф-муҳитни она Ватан бўғини сифатида фидойилик билан асрашга ўргатиш, бунинг учун эса инсоннинг табиатда ўзини тутиш қоидаларига риоя қилиш заруриятини ўқитишдан иборат.

"ЭКОСАН" фонди раиси ўринбосари Комилжон Жўраев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фондининг ижтимоий буюртмаси доирасида "Табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраб-авайлаш, аҳоли ўртасида, аниқса ёшларимизнинг экологик маданияти, онги ва дунёқарашиларини шакллантиришда кўргазмали тарғибот материалларидан кенг фойдаланиш" мавзусида лойиҳа асосида ўқув кўлланмаси тайёрланди, наشر этирилган "Экология асослари" китобининг, мактабгача ҳамда бошлангич синфларга мўлжалланган 5 турдаги рангли "Экологик плакатлар"нинг тақдимотини уюштирди. Мазкур ўқув кўлланмаси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси давлат қўмитаси, Республика "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати билан ҳамкорликда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мутахассисларининг хулосасидан сўнг, коллеж ва лицейлар учун, бир гуруҳ эколог олимлар ёрдами ва ҳаммуаллифлигида тайёрланган.

Фонд бош мутахассиси Гулноза Жалилова "ЭКОСАН" томонидан тайёрланган "Электр энергиясини тежал!" ва Орол ҳақидаги "Номи харитага кирмаган саҳро" видеороликлари намоиш этилган, иштирокчилар табиатни асраш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, ўрашувни қизгин баҳс-мунозарали давра суҳбатига айлантирилди.

Тадбир сўнггида Яккасарой туманидаги ўрта таълим муассасалари вакилларига ушбу адабиётлар экологик билимларни оширишда фойдаланишлари учун тарқатилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Зоология институтида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида экология мавзусида ўтган семинарда, Тошкент Давлат педиатрия-тиббиёт институтида ташкил этилган, мамлакатимиздаги тиббиёт олийгоҳлари олимлари ва талабалар иштирокидаги "Ўзбекистонда морфология фанлари тарихи, тарққиёти ва истиқболлари" мавзусидаги анжуманда ҳам ушбу тақдимотни "Экология асослари" китобининг муаллифларидан бири, биология фанлари номзоди, Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицей ўқитувчиси Зоҳид Маликов амалга оширди. У ушбу адабиётнинг бугунги мамлакатимиз тарққиётидаги аҳамияти ҳақида сўзлаб берди.

Миркарим МИРСОВУРОВ,
"ЭКОСАН" жамоат фонди Матбуот
хизмати раҳбари

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Яшнобод тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 2016 йил 13 сентябрдаги 006436-07-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган "OMINA IMKON SAYDO" хусусий корхонаси (СТПР 304304772) ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 2018 йил 5 январдаги таъсисчи қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Кредиторлар ва дебиторлар давлолари 2 ой муддатда (99) 837-23-41 телефони орқали қабул қилинади.

Ўзгидромет
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 8 март кунини ҳаво ўзағиб турарди, ёлғизчилик бўлмади. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсаяди. Ҳарорат кечаси – 5-7,

кундузи – 17-19 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 8 мартда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратмайди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент Оқшоми

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г- 335

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95
Факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳақами — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
12596 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бунинча турар жойлардаги почта булимларига ёки
«Тошкент почтаамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Корхона
манзили: Буюқ Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

Тошпириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 15.00